ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯСИНИНГ ЎРНИ

Т. ОРТИҚОВ, У.ОРТИҚОВ

В статье освещается место и роль идеи религиозной толерантности в филососфском и художественном наследии Джалаладдина Руми. Автор приводит примеры, доказывающие то, что идея терпимости явилась основополагающим принципом жизни мыслителя. На примере Руми толерантность рассматривается как необходимое условие и гарант стабильности и процветания разноэтнического многоконфесионального общества.

The article displays the role and place of the ideas of religious tolerance in the literary heritage of a well known philosopher and thinker Jaloliddin Rumiy. By means of examples the author tries to explain that the idea of tolerance was the main principle of J. Rumiy's life. In the instance of J. Rumiy the author tries to prove that tolerance was the necessary condition and grant of stability and development of multiethnic and multiconfessional society.

Маълумки, Гегелнинг эътирофича, Жалолиддин Румий унга диалектик методни яратишга ёрдам берди ва ушбу метод қайта ишланиб, ҳозирги даврнинг энг илғор дунёқараши таркибий қисмига айланди. Ғоялар фалсафаси тадқиқотчилари уни энг умумий тараққиёт ғояси деб аташади. Румий яшаган даврни бошбошдоқлик ва деспотизм ҳукм сурган давр деб таърифлашади. Унга илоҳиёт ғоясини инсон ғояси билан яқинлаштириб, инсонни илоҳийлаштириш даражасига кўтара олган шоир сифатида баҳо беришган. Бугунги кунда, яъни инсон азизланаётган даврда, Румий мероси инсон шаънига ёзилган қасидадай туюлади. Румий ҳазратлари барча динлар завол топмай яшаб келаяптими, демак, улар Ҳақнинг иродаси ила шундай тақдирга муносиб деб билган. Сўфий шоир барча динлар зоҳиран фарқли бўлса-да, моҳиятан бир нарсани – жаноби Ҳақни таниш ва унга итоат этишни тарғиб қилади деб ҳисоблаган.

Ҳар валиву ҳар набиро маслакест,
Лек, то ҳақ мераванд жумла якест

Яъни, ҳар валий ва пайғамбарнинг ўз маслаги бор, лекин жаноби Ҳақ ҳузурига борганда, улар бир бўлади.

Румий фикрича, Ҳақ – буюк ғоя, мавҳумият. У бирор шакл ёки суратга сиғмас. Фарқлар шаклларда, моҳият эса бир хил. Инсон ҳам, махлуқият ҳам, дунё ҳам беҳисоб шакллар, ўзгариш, ҳаракатлардан иборат.

Ҳозир фалсафа тилида Румий хулосаси "дунёнинг моддий бирлиги" деб юритилади. Илоҳиёт оламида бу хусусият йўқ, у ўзгармас ва боқий бир хилқатдир.

Румий "Мақсад бир, лекин йўллар хилма-хилдир" деган ғояни шундай тушунтиради: ер юзининг турли жойларидан Каъба томон йўлга чиққан йўловчилар бир-бирлари билан учрашиб, келиша олмай, турли сабаблар билан бир-бирларини маломат қиладилар. Ҳатто кофирсан деб аташгача борадилар. Лекин Каъбани кўришлари билан гина-кудуратлар унутилади. Ҳамма ибодат билан машғул бўлиб кетади. Буюк сўфий шоир Румий динлар ва мазҳабларни турфа кўринишидан қатъи назар бир мақсадга элтувчи йўллар деб уқтиради. Одамларнинг бир-бирларини тушунмаслиги, ихтилофга йўл қўйишлари моҳият очилгунча давом этади, моҳиятга етилганда эса деворлар, фарқлар, келишмовчиликлар барҳам топади. Ихтилофлар сўзлардаги фарқда бўлса-чи, деган саволга шоир кўнгил бу жавҳар, сўз эса араз ҳодиса дейди. Сўз - қурол, мақсад эса - кўнгил. Агар кўнгил ўртанмаса, эҳтиросларга тўла бўлмаса, сўзда таъсир бўлмайди. Румий шу ерда бир ҳикоят келтиради. Тўрт миллатга мансуб (араб, форс, турк, юнон) тўрт киши сафарга отланганларида, биров уларга бир дирҳам пул берди. Улар ўзаро бир-бирларини тушуна олмай, пулга нима сотиб олиш ҳақида тортишиб қолишади. Араб "инаб" олишни, турк "узум" олишни, юнон "стафил" олишни, форс эса "ангур" олишни хоҳлайди. Ёқалашиб турганларида, бир одам уларнинг қўлидан пулни олиб, йўл четидаги узум сотувчидан бир бошдан узум олиб, уларга тарқатади. Хоҳиш битта, лекин сўзлардаги фарқ уларнинг моҳиятни англашига йўл бермаган эди. Барчалари қилинган қарордан рози бўладилар. Нодон бу нарсани шунчалик сўзлар сеҳри деб тушунади, ташқи сифат ва шаклларга маҳлиё бўлади, ақидаларга, мазҳабпарастликка мойил бўлади. Мазҳабпарастлик ва ақидапарастлик инсонни кичрайтиради, адашувчан

қилиб қўяди. Маърифат ва моҳият сари интилиш эса инсонни Ҳаққа яқинлаштиради. Илоҳ илмига ва ғойибга интилувчан қилиб қўяди. У турли парастликлардан юқори кўтарилади. Ҳақ ва ҳақиқат сўзларининг ўзакдошлигидан ҳам билинадики, ҳаққа интилиш ҳақиқатга интилиш демакдир. Инсоннинг ташқи олами кўпинча таъқиқлар, чекланишлар оламидир. Унинг ички олами, Румий таъбири билан айтганда, ҳуррият оламидир. Шунинг учун инсон ботини билан илоҳга боғланмагунича, зоҳиран, чин маънода ҳақ билан боғланганига шубҳа бор. Агар эътибор берсак, сўфийлик ёки тасаввуф оқимлари соҳибларининг бирортаси ҳам муайян бир мазҳабга муккасидан кетмаган. Сўфийлар ахлоқий таълимотида зоҳирни эмас, ботинни тарбиялашни, қалб ва руҳни поклашни одат тусига киритганлар. Яратганга бўлган муҳаббат, ҳаётга, одамларга иззат ва ҳокисорлик сўфийларда кибр, ғараз, нопоклик каби иллатлардан тўсувчи ғовга айланган. Сўз шаклига эътибор бермасдан, балки маъносига, самимийлигига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб, Румий бир ҳикоят келтиради. Мусо алайҳиссалом чўлда бир чўпонга дуч келади. У худога нола қилиб “Эй художон, ёнимга туш. Сени меҳмон қилай. Сут, қатиқ, қаймоқ билан сийлайин. Юз-қўлингдан ўпайин, оёқларингни уқалайин. Жоним, фарзандларим, қўйларим сенга фидо”, деб айтмоқда эди. Мусо “Эй ахмоқ, ундай дема, у сенга зор эмас, у емайди ва ичмайди. У бир қуёш, сен бир чивин”, деб чўпонни койиди. Чўпоннинг бу гаплардан ҳафсаласи пир бўлди ва жим қолди. Шунда Ҳақ таолодан ваҳий келди: “Эй Мусо, нега бандамизни биздан айирдинг? Айтсин, у дилдан сўзлаётган эди. Биз ҳар бир одамга, миллатга, ўз тилида муҳаббат изҳор этишга имкон бердик”. Мусо тавба қилиб, чўпон олдига келиб кечирим сўрайди. Чўпоннинг сўзлари самимий, сохта эмас. Таъма ва ғаразга асосланмаган. Румий эътирофича, ташқи белгилар, сўзлар, шакллар муҳим эмас. Муҳими, унинг юракдан айтилганидир. Юракнинг буюрганини ҳар доим жаноби Ҳақ билиб тургувчидир. Шунинг учун Румий Қуръон оятини маснавий тарзида келтиради:

Мо бурунро нангарему қолро
Мо дарунро бингарему ҳолро
Маъноси: Биз масаланинг ташқи
кўринишига, сўзга боқмаймиз.
Биз ботинга, ичкарига боқамиз.

Масаланинг яна бир эътиборли томони шуки, Румий ижодини мистик йўналишда ёки художўйликка акс йўналтирилган исёнкорлик деб баҳолаш совет тадқиқотчиларига хос эди. Лекин Е.Э.Бертельс ва И.С.Брагинский каби тадқиқотчилар эса Румийга холис баҳо берган инсофли олимлардан эдилар.

Буюк шоиримиз А.Навоий “Насойим-ул муҳаббат”да, Румий билан боғлиқ бир воқеани келтиради. Румий ўзи унча хуш кўрмайдиган замондоши Садриддин Қазвиний билан мазҳаблар ҳақидаги суҳбатда: “Мен етмиш уч мазҳаб билан бирдирман”,- дейди. Қазвиний бошқа бир кун мажлисда ўз шогирдига буюриб, “Сен Румийдан фалон суҳбатда ўша гапни айтганмисиз, деб сўра. Агар у тан олса, Румийни хоҳлаганингча сўк ва ранжида қил”, деди. Шогирд пайт пойлаб Румийга саволни берди, шоир бу гапни тан олади. Шогирднинг сўкишларини босиқлик билан тинглаган Румий “Мен сен айтган нарсалар билан ҳам биргаман”, дейди. Шогирд уялиб, мажлисни тарк этади. Ҳолбуки, ўша мазҳаблар турли ақида ва хулосаларни илгари суриб, динни кучсизлантиришга сабаб бўлаётган эди. Исломшунослар фақат етмиш учинчи мазҳаб “аҳли сунна вал жамоа” бўлиб, қолган мазҳаблар улардан ажралиб чиққан деб ҳисоблайдилар. Мазҳаблар орасида келишмовчиликлар борлиги ва улар мафкуравий-сиёсий майдонларда курашларга сабаб бўлаётгани ҳам табийдир. Ҳатто улар орасидаги келишмовчиликлар қаттол урушларни ҳам келтириб чиқарган. Садриддин Қазвиний сунъий жамоалардан бошқасини хуш кўрмас, шунинг учун “Мен етмиш уч фирқа билан биргаман” деган сўзларнинг эгасини куфрда айблаган эди. Румий учун эса мазҳаблар диёнат, иймон ва исломнинг асл моҳиятини англамай, ташқи сифатлар, сўзлар (зоҳирий нарсалар) устида тортишувдан бошқа нарса эмасди. Румий нигоҳида Холиқ ва унинг биру борлиги барча мазҳабларда инкор этилмаган. Мазҳаблар эса яратган қолиб, яратилган нарсалар – махлуқотлар ҳақида, одамлар ўйлаб топган нарсалар ҳақида баҳс юритади. Исломий йўналишлар ичида фақат сўфийликкина Жаноби Ҳақ, унинг зоти ва жавҳари томон интилишни мақсад қилгани боис моҳиятга элтувчидир. Мазҳаблар орасидаги тафовутлар, фарқлар улар учун муҳим эмас. Барча қонун-қоидаларни ўзида мужассам қилган шариатни тасаввуф аҳли ҳақиқатга етиш учун бир восита деб билади. Мақсад ҳаққа етишмоқ, восита эса турлича бўлиши мумкин.

Диний бағрикенгликни ҳам Румий моҳиятдан келтириб чиқаради. Унга кўра, дунё динлари моҳиятан бир хилдир. Зеро, уларнинг барчаси тавҳид ғоясига асосланган. Барча динларнинг яшашига Аллоҳ ирода этибдики, улар завол то-

пмаяпти. Демак, диний бағрикенглик илоҳий асосга эга. Хусусан, исломдаги еттита имон талаблари баён қилинганида, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга имон келтирмоқлик эслатилади. Шунинг ўзи ҳам ислом бағрикенглик дини эканлигига ишорадир. Тортишувлар ва келишмовчиликларни нафақат дин олимлари, ҳатто яратган ҳам хуш кўрмайди. Ихтилофлар сўзда, шаклда, аммо улар маънога айланиши билан тафовутлар тумандай тарқалиб кетади. Куфр ёки имон, инкор ёки тасдиқ маънолар сўзга айланиши билан яна пайдо бўлади. Ҳатто моддий дунё шаклларида тафовут ва ихтилофлар талайгина. Лекин моҳиятан улар атом ва молекулалардан ташкил топган. Улар ўзаро табиат қонунлари доирасида ҳаракатда ва ўзгаришидадир. Динларга келсак, улар умумий томонларга эга, яъни: худога сиғиниш, ундан мадад олиш ва у сари интилиш. Зоҳирий томондан эса каттагина фарқлар, ақидалар, ибодат усуллари, расм-русмлар борки, улар баъзан келишмовчиликларни келтириб чиқарган. Инсонларда ҳам шундай ҳолатни Румий нигоҳида учратиш мумкин. Одамлар зоҳиран турли тилларда сўзлашади. Миллат ва элатларнинг ўз турмуш тарзи бор. Урф-одатлар ҳам турлича. Лекин уларда моҳиятан чуқур ўхшашлик бор.

1. Инсон зотининг барча махлуқотлар оламида комилу-мукаррам қилиб яратилганлиги.

2. Аллоҳ инсонни унинг ўзига имон келтириб, яхши амаллар қилишлари учун яратди.

3. Аллоҳ жаннат ва дўзаҳ йўлларини инсонга кўрсатди ва имтиҳон қилишини ирода этди.

Моҳиятни белгиловчи бу сифатлар бутун инсониятга хос бўлиб, чегараларни йўқ қилади ва тафовутларни бартараф қилади. Барча динлар бирлашса, тафовутлар ҳам барҳам топади дегувчилар ҳам йўқ эмас. Румий эса динлар бирлаша олмайди, фақат бирлашиш қиёматда юз беради деб ҳисоблайди. Чунки дунё касрат (кўплик) олами, Парвардигор эса ваҳдат ёки ягоналик оламидир. Зеро, ваҳдат касратни бирлаштиради. Дунёдаги хилма-хиллик, турфа дунёқарашлар, тушунча, тасаввур, истак ва хоҳишлар касрат олами сифатларидир. Демак, турли динлар, мазҳаблар, таълимотлар, қарашларнинг бўлиши хилма-хилликни келтириб чиқаради. Ҳар қандай дин эътиқодни талаб қилса-да, охират ҳақида сўзласа-да, дунёвий ҳодисадир. Дин ёки эътиқод орқали ваҳдат ва инсон орасидаги мустаҳкам кўприк шаклланади. Икки қутбли ҳолатни кўз олдимизга келтирсак, бири ваҳдат, иккинчиси дунё ва улар орасида инсон жойлашади. Мўътадиллик ҳақидаги ҳадисда динга муккадан кетувчи бўлмаслик ҳақида гап боради. Демак, ваҳдатдан ҳам, дунёдан ҳам бутунлай воз кечмаслик зарур. Бири инсонни ҳалоллик ва инсоф доирасида ушлаб турса, иккинчиси ижтимоий ҳаёт ва иқтисодиётни гўзал ҳолатга олиб боришга сабаб бўлади. Моҳиятни идрок этмай суратга берилиш хато ва адашишларга сабаб эканлигини англатиш учун Румий мисол келтиради. Тўртта кўзи ожизни фил олдига олиб келиб, унинг қанақа эканлигини сўрадилар. Уларда азалдан фил ҳақида тасаввур йўқ эди. Улардан филнинг оёғини ушлагани уни устунга ўхшатди, хартумини ушлагани илонга, қорнини сийпалаб кўргани қопга, қулоқларини сийпалагани супрага ўхшатди. Зоҳирбин кимса моҳиятни англашдан мосуво, қалб кўзи билан сезувчи инсон моҳиятга яқиндир.

Румий келтирган барча далил ва исботлар динлар ва мазҳабларга нисбатан тутиш мумкин бўлган оқилона йўл бағрикенглик эканлигини кўрсатади. Албатта, жангари оқим ва фирқаларга бағрикенглик доирасида бепарволик қилмаслик керак бўлади. Улар ўз фойдасини ғаразли мақсадлардан изловчи нопок кимсалардир.

Румийни Румий даражасига олиб чиққан нарса, бир томондан, гўзал тасаввуф таълимоти бўлса, иккинчи томондан, олам ва одам ҳақида бутунлай янги қарашни сингдирган Шамсиддин Табризийнинг ирфони эди. Тасаввуфда инсон камолоти поғоналари шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат деб аталиши кўпчиликка маълум. Тубанликдан юксак софлик, юксак покликка олиб чиқувчи ушбу поғоналар инсонни илоҳ даражаси томон кўтаради. Яъни комил инсон, ёки барча тўрт поғонани босиб ўтган инсон (Мансур Ҳаллож, Мажнун, Машраб каби) илоҳий хилқатга яқинлашиб қолар экан-да?! Бу нарса асло ширк эмас. Шариат ва тариқат поғоналарида ўзлигини таниган, англаган инсон охирги поғоналарда ўзлигини унутган бўлиши керак.

Румий ҳам дунё ягона, яъни воҳиддир,-деган фикрда бўлган. Юқоридаги фикрлар исботи Қуръони каримдан ҳам келиб чиқади, яъни Аллоҳ ўз каломида на тахтни, на самовотни эъзозлаган. Исро сурасининг етмишинчи оятида “*Ва лақод каррамна бани одама...”* одам авлодини бошқа яратилган нарсалардан мукаррам зиёда қилиб яратдик, -деб марҳамат қилган. Демак, инсон самовотнинг, еру дунёнинг халифаси экан. Аллоҳ инсон камолоти йўлларини ўз набийларию авлиёуллоҳларига билдирди. Мана шу хулосаларни Румий ўз таълимотига асос қилиб олди. Натижада ўша хулосалар сингдирилган шеърият, куллиёт, ривояту масаллар шоирни порлоқ қуёш мақомига етказди. Диний бағрикенглик ижодкори сифатида Румий

(унгача бу хилдаги толерантлик ғоясини ҳеч ким илгари сурмаган) бошқа дин ва мазҳабларга эргашувчиларнинг самимий минатдорчилигига эришди. Замондошлари эътирофига кўра, унинг дафн маросими ҳам ўзи илгари сурган диний бағрикенглик ғояси тантанасига айланган экан. Жанозага чорловчи жарчи овозидан сўнг минглаб халойиқ кўчага отилди. Эркак, аёл, ёшу қари, ғанию фақир қирқ йилдан бери халқ эътиборини қозонган шайх тобутига елкасини тутиб беришни истаб унга интиларди. Халқнинг кўплигидан тобутни олиб ўтишга йўл торайиб борар эди. Кўнёнинг Аълоддин тепалигига элтувчи йўлда турклар ва хуросонийлар, православлар ва яҳудийлар, юнонлар ва арманлар – ҳаммалари шоир билан видолашувга келган эди. Хофизлар Қуръон, раввинлар Таврот, православлар Инжилдан парчалар ўқишар эди. Рақсу само тарафдорлари рубоб ва чилдирма чалиб, хониш қилишар эди. Тобут талаш бўлганидан бир неча марта таъмирланди. Шаҳар ҳокими Муиниддиндан жаноза тадбирларидан ғайридинларни ҳайдаб чиқаришни талаб қилишди. Ҳокимнинг талабидан норози бўлган провослав собори мутаваллийси Стефаний унга қараб: “Қуёш бутун ер юзини ёритганидек, Румий ҳазратлари башариятни мунаввар этди. Қуёш – ҳамманинг мулки. Мавлононинг етмиш икки халқ мендан асрор ўрганур деганини эшитганман. Қавмларга кетинглар деб буюрсак-да, улар қулоқ осмайдилар...” деди. Яҳудийлар жамоаси раввини Ҳаяффа эса “Мавлоно нон кабидирлар. Нон ҳаммага зарур. Унинг таълимоти барча дин ва мазҳаблар худо олдида тенгдир деб ўргатади. Бизларни улуғ зот билан охирги дийдорлашувдан хайдаманг”,- деб мурожаат этди. Жалолиддин Румий учун мўмину ғайридин – ҳаммаси баробар эди:

Майлига, ким бўлмагил, кел бари бир
Дахрию оташпарасту – бари бир.
Неча бор паймон шикастсен – барибир
Ноумид қўймас сени остонамиз
Майлига ким бўлмагил, кел бари бир

Румий меросида нафақат диний, балки социал толерантликни ҳам учратиш мумкин. Румий абадиятини ўрганган сари бугунги кунгача давом этиб келаётган мазҳаб талашишу диний низоларнинг бир ёввойилик ёки ўта билимсизлик ҳамда хурофотдан бошқа нарса эмаслигига иқрор бўлаверасиз, иқрор бўлаверасиз.... Бутун олам башариятники десак, башарият уни покиза ва соғлом сақлашда баъзан ожизлик қилаётган кўринади. Зеро, “одамни ер юзига халифа қилдим” деган оятдан келиб чиқсак, Румий бу хулосани бойитди ва ривожлантирди. Демак, олам инсон учун яратилган, олам инсонники. Шу боис инсонлар, жамиятлар, давлатлар орасидаги низолар яратилган нарсалар орасидаги салбий ҳолатдан бошқа нарса эмас. Бу касаллик давосининг номини толерантлик деб атаса бўлади. Мавлоно Жалолиддин Румий бу хулосаларни аллақачон англаб етган эди. У зот қолдирган мерос инсониятнинг барча тарихий даврлари учун бир хилда қадрлидир. Румийни англаш иштиёқи олимларни янги-янги кашфиётлар сари ундайверади.

Адабиётлар:

1. Румий Ж. Маънавий маснавий.- Т.: Шарқ, 2004
2. Румий Ж. “Фиҳи ма фиҳи” (Ичиндаги ичиндадур).- Т.: Маънавият, 2003
3. Комилов Н. Тасаввуф. 1-т. - Т.: Ёзувчи, 1996

Андижон давлат университети,
2012 йил 20 сентябрда қабул қилинган